КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАНИШИ

Бухоро давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси
Катта ўқитувчиси
Д.М.Нарзиева

Аннотация: Мақолада кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини оширишга қаратилган илмий қарашлар таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган

Калит сўзлар: тадбиркорлик, кичик тадбиркорлик, кичик тадбиркорлик салоҳияти, фаол тадбиркорлик, бозор инфратузилмаси, кичик тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик муҳити

АНАЛИЗ НАУЧНЫХ ВЗГЛЯДОВ, НАПРАВЛЕННЫХ НА ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЫНОЧНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация: В статье анализируются научные взгляды, направленные на повышение эффективности рыночной инфраструктуры развития малого предпринимательства, и выявляются их специфические особенности

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, потенциал малого бизнеса, действующий бизнес, рыночная инфраструктура, деятельность малого бизнеса, деловая среда

ANALYSIS OF SCIENTIFIC VIEWS AIMED AT IMPROVING THE EFFICIENCY OF THE MARKET INFRASTRUCTURE OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT

Abstract: The article analyzes the scientific views aimed at increasing the efficiency of the market infrastructure of the development of small entrepreneurship, and identifies their specific features

Keywords: entrepreneurship, small business, small business potential, active business, market infrastructure, small business activities, business environment

Бозор иқтисодий муносабатларига асосланган рақобат муҳити сўнгги йиллардаги глобаллашув жараёнларининг ривожланиш тенденциялари кучайиб боришида кичик тадбиркорлик субъектларининг ташқи муҳитдаги кескин ўзгарувчанлик шароитидаги мослашувчанлигини ошириш, уларнинг инновацион ривожланиши самарадорлигини оширилишида бозор инфратузилмасининг муҳим инсттуционал элемент сифатидаги аҳамиятини кучайтириб бормоқда. Жумладан,

иқтисодий муносабатлар амал қилишида глобал даражадаги трансформациялашув, рақамлаштириш борасидаги ривожланишнинг векторлари кичик тадбиркорлик субъектлари хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлган, шу билан биргаликда, миллий иқтисодий ўсишдаги соҳанинг “драйвер” сифатидаги ролини кучайтиришга қаратилган муносабатларнинг тобора мураккаблашувига сабаб бўлмоқда.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самрадорлигини оширишга қаратилган, жумладан, бугунги иқтисодий муносабатлар тизими амал қилиши шароитида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлари шароитида ҳалигача қўлланилиб келаётган қарашлар сифатида классик ва неоклассик ёндашувларни келтириб ўтиш мумкин бўлади. Жумладан, классик иқтисодий мактаб вакили А. Смит “тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари, жумладан, кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлиги “кўринмас қўл” таамойили орқали эркин рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган институционал ва бозор йўналишидаги хизматлар мажмуасида ташкил топади”[1], шу билан биргаликда, “бозор инфратузилмаси турли тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муносабатларини енгиллаштириш учун хизмат қилади”[2] деган хулосага келган.

Шу билан биргаликда, неоклассик ёндашувларга кўра, “тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари, жумладан кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарали аамал қилиши ҳисобига ресурслар харажатларини оптимал даражада камайтиришга эришилади”[3], деган хулосага келинган. Классиклрдан фарқли ўлароқ, неоклассик иқтисодий мактаб вакиллари томонидан ўтказилган тадқиқотларда бозор инфратузилмаси тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг омили сифатида баҳоланиб, унинг статистик ҳолатини харажатларни камайтириш нуқтаи назаридан тушунтириб, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси самарадорлигининг динамик ривожланиш табиати тўлиқ очиб берилмаган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, неоклассикларнинг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси самарадорлигини тадқиқ этиш борасидаги илмий ёндашувларида институционал муҳит, инновацион трансформациялашув, технологик эволюциялар ва давлатнинг соҳани тартибга солишдаги мувофиқлаштирувчи роли етарли даражада инобатга олинмаган ҳисобланади.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий иқтисодий қарашларнинг шаклланишида инновациялар муҳим омил сифатида баҳоланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий тадқиқотларда Й. Шумпетер томонидан ишлаб чиқилган

[1] Michael S.C. Entrepreneurship, Growth, and Adam Smith. Strategic Entrepreneurship Journal, Vol. 1 (3-4), 2007. – pp. 287-289

[2] Choi G., Storr V.H. Adam Smith on Markets and Their Potential to Benefit the Poorest in Society. Constitutional Political Economy, Vol. 37 (1), 2025. – pp. 1-24. DOI: 10.1007/s10602-025-09497-w

[3] Glancey K.S., McQuaid R.W. Entrepreneurship in Neoclassical Economics. In Book: Entrepreneurial Economics, Chapter 3., Macmillan, Basingstoke and St. Martin’s Press, New York, 2000. – pp. 41-56

“инновацион ривожланиш”[4] назарияси марказий аҳамият касб этиб, ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан характерланади. Бу эса кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини оширишда Й. Шумпетернинг илмий қарашлариг асосланган инновцион инфразутизма билан боғлиқ бўлган жиҳатларни тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтиради.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини таъминлашга қаратилган замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида қўлланилаётган назариялардан яна бири сифатида институционал ёндашувларни келтириш мумкин бўлади. Институционал назарияларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлиги “инфратузилмавий таъминот йўналишларини мамлакатда шакллантирилаётган бозор иқтисодиёти қоидалари ва институтлар трансформациялашуви билан боғлиқ”[5] ҳолда тушунтирилган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, мазкур назарияда “кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлиги давлат томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий тизим сифати, шартномавий муносабатларнинг амал қилиши ва уларнинг ижроси таъминланиши, молиявий хизмат кўрсатиш (банк, суғурта, лизинг, кредит уюшмалари ва ҳ.к.) институтлар фаолиятининг барқарорлиги, ҳамда давлат сиёсатининг прогнозли параметрларининг ҳақиқатдаги эришилаётган натижаларга мос келиши (яъни, сиёсатнинг прогнозлилиги) билан белгиланади”[6].

Шу билан биргаликда, кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар аҳамиятини тушунтиришда Р. Нелсон ва С. Винтерларнинг эволюцион иқтисодиёт назарияси асосида “тадбикрорлик корхоналари ва иқтисодий институтларни биолигик эволюцияга ўхшаш тизим сифатида”[7]ги тадқиқотларга асосланганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Умумий ҳолатда эволюцион иқтисодиёт назариясида “тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлиги вариция, селекция ва репликация босқичларида намоён бўлади”[8].

Демак, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси самарадорлигини эволюцион иқтисодиёт назриялари асосида оширилишида инфратузилма таъминотининг доимий раавишда иқтисодий муносабатлар тизими амал қилишидаги ўзгаришларнинг ривожланиш трендларига мос равишда такомиллаштириб борилиши илмий жиҳатдан асослаб берилган, деган хулосага келинди.

---

[4] Ernest J.T., Andow H.A., & Ibrahim M., G. Schumpeter’s Theory of Innovation in the Manufacturing Sector: Driving Competitive Advantage Through Disruptive Technologies. Journal of Management Science & Entrepreneurship (JMSE), Vol. 8, No. 7, 2025. – pp. 93-117

[5] Bruton D.G., Ahlstrom D., Li H-L. Institutional Theory and Entrepreneurship: Where are We Now and Where Do We Need to Move in the Future? Journal of Entrepreneurship Theory and Practice, Vol. 34 (3), 2010. – pp. 421-440

[6] Ezekiel A.A., Aliyu U.L. Effects of Institutions on Entrepreneurship Development in Developing Economies. Texila International Journal of Academic Research (Electron Journal), Vol. 12, Issue 4, 2025. – pp. 1-15. URL: https://www.texilajournal.com/thumbs/article/Academic_Research_Vol12_Issue4_Article_20.pdf

[7] Salter A.J. McKelvey M. Evolutionary analysis of innovation and entrepreneurship: Sidney G. Winter – recipient of the 2015 Global Award for Entrepreneurship Research. Small Business Economy, Vol. 47, 2014. – pp. 1-14. DOI: 10.1007/s11187-016-9702-4

[8] Martin B.R., Steinmueller W.E. Richard R Nelson (1930–2025): Evolutionary economist and innovation scholar. Journal of Research Policy, Vol. 54, 2025. – pp. 1-11. DOI: 10.1016/j.respol.2025.105211

Жаҳонда кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини оширишда кластер ва экотизим назариясидан сўнгги йилларда устувор даражада фойдаланилаётганлиги мазкур йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини вужудга келтиради. Фанда кластер назариясига кўра, “кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг бозор инфратузилмаси самарадорлиги ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, тижорат банклари, олий таълим муассасалари ва консалтинг хизматлари ўртасидаги ўзаро интеграцион муносабатларга асосланган комплекс тармоқ фаолиятида ўз ифодасини топади”[9]. Шу билан биргаликда, “рақамли иқтисодиёт назариясининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, жумладан, унинг бозор инфратузилмаси самарадорлигини ошириш билан боғлиқ жараёнларда кенг қўлланилиши ҳисобига кластерли ёндашув бизнес-экотизими ёндашувларини шаклланиши”[10]га замин яратмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Michael S.C. Entrepreneurship, Growth, and Adam Smith. Strategic Entrepreneurship Journal, Vol. 1 (3-4), 2007. – pp. 287-289
2. Choi G., Storr V.H. Adam Smith on Markets and Their Potential to Benefit the Poorest in Society. Constitutional Political Economy, Vol. 37 (1), 2025. – pp. 1-24. DOI: 10.1007/s10602-025-09497-w
3. Glancey K.S., McQuaid R.W. Entrepreneurship in Neoclassical Economics. In Book: Entrepreneurial Economics, Chapter 3., Macmillan, Basingstoke and St. Martin’s Press, New York, 2000. – pp. 41-56
4. Ernest J.T., Andow H.A., & Ibrahim M., G. Schumpeter’s Theory of Innovation in the Manufacturing Sector: Driving Competitive Advantage Through Disruptive Technologies. Journal of Management Science & Entrepreneurship (JMSE), Vol. 8, No. 7, 2025. – pp. 93-117
5. Bruton D.G., Ahlstrom D., Li H-L. Institutional Theory and Entrepreneurship: Where are We Now and Where Do We Need to Move in the Future? Journal of Entrepreneurship Theory and Practice, Vol. 34 (3), 2010. – pp. 421-440
6. Ezekiel A.A., Aliyu U.L. Effects of Institutions on Entrepreneurship Development in Developing Economies. Texila International Journal of Academic Research (Electron Journal), Vol. 12, Issue 4, 2025. – pp. 1-15. URL: https://www.texilajournal.com/thumbs/article/Academic_Research_Vol12_Issue4_Article_20.pdf
7. Salter A.J. McKelvey M. Evolutionary analysis of innovation and entrepreneurship: Sidney G. Winter – recipient of the 2015 Global Award for Entrepreneurship Research. Small Business Economy, Vol. 47, 2014. – pp. 1-14. DOI: 10.1007/s11187-016-9702-4
8. Martin B.R., Steinmueller W.E. Richard R Nelson (1930–2025): Evolutionary economist and innovation scholar. Journal of Research Policy, Vol. 54, 2025. – pp. 1-11. DOI: 10.1016/j.respol.2025.105211

[9] Voloshko K.A. Formation of a Cluster Business Development Mechanism in Ukraine in Modern Conditions. Journal of Strategic Economic Research, No. 2 (25), 2025. – pp. 34-39

[10] Gao R. The Theory and Development of Business Ecosystems. Proceedings of the 2021 3rd International Conference on Economic Management and Cultural Industry (ICEMCI 2021), Advances in Economics, Business and Management Research, volume 203, 2021. – pp. 2255-2260

9. Voloshko K.A. Formation of a Cluster Business Development Mechanism in Ukraine in Modern Conditions. Journal of Strategic Economic Research, No. 2 (25), 2025. – pp. 34-39
10. Gao R. The Theory and Development of Business Ecosystems. Proceedings of the 2021 3rd International Conference on Economic Management and Cultural Industry (ICEMCI 2021), Advances in Economics, Business and Management Research, volume 203, 2021. – pp. 2255-2260